



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№4 (86) 23.01.2020 йил

Маданий алоқалар

Озодбек Назарбеков Маданият вазири этиб тайинланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ҳукумат аъзолигига номзодлар кўриб чиқилди. Жумладан, барча вазирлар депутатлар томонидан маъқулланди.

Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг номзоди Маданият вазири лавозимига тасдиқланди.

У 2017 йилнинг август ойидан бундан Маданият вазирининг биринчи ўринбосари сифатида ишлаб келган эди.

Собиқ Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси этиб сайлангани муносабати билан вазири лавозимидан озод этилди.

Қайд этиш лозим, Б.Сайфуллаев яқинда Президент фармонида кўра сенатор бўлган эди.



Ушбу сонда

Санъаткорлар дарс берса...

2-саҳифада >>

“Фарҳод ва Ширин” инглиз тилида



5-саҳифада >>

Нотўғри ибрат муаммони чуқурлаштиради

8-саҳифада >>

Тақдимот



Қалб кўзи очиқлар учун...

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликда Республика кўзи ожизлар маркази кутубхонаси билан ҳамкорликда Брайл ва аудио ёзувдаги китоблар тақдимоти ташкил этилди...

Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди. Айниқса, имконияти чекланган инсонларнинг бошқалар қатори тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова тадбирни очар экан, шундай деди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 сентябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши тизимини такомиллаштириши тўғрисидаги” қарори асосида зарур чора-тадбирлар белгилаб, Кўзи ожизлар кутубхоналари тўғрисидаги янгиланган Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унга кўра кўзи ожизлар яшайдиган ҳудудлар ва маҳаллаларда улар учун махсус кутубхоналар ташкил этилди. Жумладан, Андижоннинг қатор туманларида, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, ҳаммаси бўлиб, 123 та кутубхона фаолият олиб бормоқда. Бу маърифат марказларининг улар учун нечоғлик аҳамиятли эканини ортқиқча изоҳлаши шарт эмас...

Давоми 4-саҳифада >>

Миллий мусиқамиз ривож

Мақом академиясини ташкил этишни режалаштиряпмиз

“Миллий тикланиш” ДП фракциясида янги таркибдаги Ҳукумат аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш масалалари муҳокама қилинди.

Ийгилишни партиясиз фракцияси раҳбари Алишер Қодиров олиб борди. Унда Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига кўрсатилган номзодларни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар депутатлар томонидан тасдиқланади. Ийгилишда дастлаб фракция аъзолари номзодларнинг истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда tutувчи ҳаракатлар режасини эшитди. Депутатлар кўрсатилган номзодларга партиясиз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Маданият вазириликка номзод О.Назарбековга миллий мусиқа санъатимизни ривожлантиришнинг муаммолари, жумладан, миллий мусиқа асбобларимизнинг нота тизимлари мавжуд эмаслиги, бу ўз ўрнида санъат фақатгина устоз-шоғирд муносабатлари ва қулоқдан-қулоққа кўчиб юрганини муаммо сифатида кўрсатиб, ечимлари ҳақида фикри сўралди.

– Миллий мусиқа асбобларимизнинг нота тизимларини яратиш чоралари кўрилмоқда, Мақом санъати бўйича илм қилинмагани бор гап. Мукаммал ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар тайёрланмаган. Шу сабабли Мақом академиясини ташкил этишни режалаштиряпмиз. Бу борада Президент қарори тайёрланмоқда, – деди О.Назарбеков.



Донолар сўзлайди...

Нодон ва кўрқоқнинг содиқлиги, хўжаси учун устун бўлмайди.

(Вишакхадатта)

Ёш авлоди бўлмаган адабиёт гўдак боласи йўқ оиладек сокин, зерикарли бўлади.

(Э.Воҳидов)

Кўринишда солиҳ (яхши), ичидан фожир (емон) бўлма.

(Луқмони ҳаким)

Учрашув
**Собиқ
Маданият
вазир,
сенатор
талабалар
даврасида**



16 январь куни собиқ Маданият вазири Ўзбекистон давлат консерваторияси га ташриф буюриб, талабалар билан учрашди. Ёшларнинг истак ва таклифлари, уларни қийнаётган муаммоларни тинглаб, бу борада масъул ходимларга зарур топшириқларни берди.

“Санъат – олий нозмат, чинакам санъат эгалари, ижод аҳлида ёмонлик, бузғунчи ғояларга эргашиши каби салбий жиҳатлар бўлмайди – деди Бахтиёр Сайфуллаев.– Менга фаол талаба, ватан қорига ярайдиган, ўз ишининг устаси бўлган мутахассислар керак,

Президентимиз Ш.Мирзиёев эътибори ва ишончига муносиб ёшлар зарур. Бу борада талабалардан фақат меҳнатсеварлик, илмий-ижодий ишлар билан жиддий шуғулланиш, интеллектуал салоҳиятни ҳар жабҳада намоён этиши талаб этилади”.



Маданий мерос

Бахшичилик кечаси



Достонлар – халқ ҳаётининг маълум бир тарихий тараққиёт даврига хос муҳим мавзу, эртақнамо воқеа, афсона ва ривоятлар ҳисобланиб, шоир ва бахшилар томонидан қайта ишланади ҳамда куй-оҳангга солиниб халққа етказилади. Бахшичиликнинг бошқа санъат турларидан фарқи шундаки, айтилаётган терма ва достонлар тингловчи юрагига етиб бориши учун овоз тонлари ниҳоятда ўзгачалиги, айтилиш услуби билан фарқ қилиши талаб этилади. Мазкур санъат тури бўйича Сурхон воҳаси алоҳида мактаб яратган, десак муболага бўлмайди. Айниқса, мустақилликдан сўнг бу санъатга эътибор кучайтирилди. “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонлангани, “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонининг жорий этилиши, вилоятда илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг нишонланиши, ёшлар учун бахшичилик мактаб-интернатининг ташкил этилиши сўзимиз исботидир.



Кейинги йилларда бу санъатга ёш авлоднинг ҳам қизиқиши ортгани, уларнинг таниқли бахшиларга шогирд тушиб, ушбу санъат сирларини чуқур ўрганишга интилишаётгани барчамизни қувонтиради албатта. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бахшичилик санъатига меҳр қўйиб, достонларни ижро этган ёшларимиздан ҳеч қачон ёмонлик, ёвузлик ғояларини кутмаймиз”. Шунингдек, 2019 йил 14 майда “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида”ги Президент қарори ҳам қабул қилинди.

Сурхон воҳасида халқ бахшичилиги йўналишида ижод қилаётган бир қатор бахшилар томонидан ёшлар онгида миллий қадриятларимизга муҳаббат, ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш ва ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида кунни кеча Термиз давлат музей-қўриқхонасининг Этнография бўлимида «Бахшичилик кечаси» ўтказилди. Унда Сурхон тарихини ахс эттирувчи қатор достонлар куйланди.

К.Қаршиева

Миллий маданият



Санъаткорлар дарс берса...

Ўзбекистон Маданият вазириликда давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимиз, ҳусусан миллий қўшиқчиликни ривожлантириш борасидаги кўрсатмалари доирасида ҳисобот йиғилиши, давра суҳбати бўлиб ўтди. Йиғилишни Маданият вазири ўринбосари Озодбек Назарбеков (ҳозирги кунда Маданият вазири) олиб борди. Тадбирда пойтахтимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари га бириктирилган устоз санъаткорлар, таниқли хонандалар иштирок этишди. Вазири ўринбосари йиғилганларга мурожаат этар экан, Президентимизнинг миллий мусиқа маданияти, анъанавий қўшиқчилик санъатини ривожлантириш мақсадидаги саъй-ҳаракатларига елкадош бўладиган санъаткорлар фаолиятида нега сустрлик кузатилаётгани, натижаси кўринмаётганининг сабабини сўради. “Болалар мусиқа ва санъат мактабларида аҳвол қандай?” “Нима учун миллий мусиқамизга қизиқадиган ёшларимиз “ярк” этиб кўзга ташланмапти?”, “Нега консерватория, санъат ва маданият институтига келаётган ёшлар орасида истезьоддиллари кам?”

Ушбу саволларга жавобни санъаткорларимизнинг куюнчақлик билан билдирган мулоҳазаларидан олгандек бўлдик.

Маълум бўлишича Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, Маҳмуд Намозов, Замира Суюнова, Эркин Рўзметов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғиёс Бойтоев, Тохир Қулиев, Хуррият Исроилова, Равшан Комилов, Азим Муллахонов, Дилфуза Раҳимова, Курсия Эсонова, Самандар Ҳамроқулов каби санъаткорларнинг ўзларига топширилган вазифани талаб даражасида бажариш имкони бўлмаган. Боиси уларни мусиқа мактаблари маъмурияти самимий қутиб олишмаган, фаолият олиб боришлари га шароит яратиб беришмаган.

Устоз – санъаткор Хайрулла Лутфуллаевнинг фикрича, у бириктирилган 20-Болалар мусиқа ва санъат мактабида миллий мусиқа ва анъанавий қўшиқчиликни талаб даражасида ўқитиляпти деб айтолмайди. Директорнинг олди га таклиф билан кирганда эса бизнинг ишимизга аралашмасангиз, марҳамат ишлайверинг” дейишган. Лекин маош ҳам белгиланмаган. Афсуски бошқа санъаткорларнинг фикрлари ҳам шу мазмунда...

– Мен 26-болалар мусиқа ва санъат мактабига бириктирилганман, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев. – Бу масканда ҳам кўпроқ фортепиано, скрипка, пианино, виолончел ва шунга ўхшаш чолгулар йўналишида ўқиётган болалар кўп. Миллий мусиқа, анъанавий қўшиқчилик йўналишлари га ҳужжат топширганлар жуда кам ёки деярли йўқ.

Очиги бу масала мактаб маъмурияти томонидан тўғри ташкил этилиши керак эди...

– Миллий мусиқа ва қўшиқчиликка қизиқувчи ёшларимиз йўқ эмас, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова. – Лекин уларни излаб топиш, ўқишга жалб этиш учун биз санъаткорлар фақат кузатувчи, ёки назорат қилувчи эмас, балки шу мактабда дарс беришимиз керак. Албатта бунга мусиқа мак-

таблари раҳбарлари имкон беришса?...

– Тўғриси айтганда пойтахтимиздаги мусиқа мактабларида миллий мусиқамиз, айнан мақом, бахшичилик йўналишлари га қизиқувчилар кам, – дейди Ўзбекистон мақом маркази раиси Сойибжон Ниёзов. – Вилоятларимизда эса бу йўналишларда ўқиш истагидаги ёшларимиз кўп.

– Тўғриси айтганда бизни мусиқа мактаблари маъмурияти унчалик хушлашмайди – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуррият Исроилова. – Мен Юнусобод туманидаги 13-БМСМга бириктирилганман. Лекин талаб даражасида ишлаш учун шароит йўқ. Ёки шароит яратишни хоҳлашмайди. Айтишлари га, миллий мусиқамизга қизиқувчи ёшлар деярли йўқ эмиш...

– Энг асосийси бизда миллий мусиқа, анъанавий қўшиқчилик сирларини ўргатадиган қўлланма деярли йўқ, – дейди устоз санъаткорлардан яна бири Эркин Рўзметов. – Бизда шу томондан оқсаш бор. Махсус қўлланма бўлмаса, болаларни қизиқтириш қийин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов ҳам шу фикрда. Ўзбекистон халқ артисти Тохир Қулиев эса анъанавий қўшиқчилик, миллий мусиқа йўналишлари га ўқиётган болалар сонини қўлайитириш, қизиқтириш учун уларни моддий жиҳатдан қўллаш, яъни ўқитиш учун тўланадиган пулни қамайитириш кераклигини айтди.

Қисқаси, пойтахтимиз мусиқа мактаблари га миллий мусиқа ва қўшиқчилигимизга бўлган муносабатдан санъаткорларимизнинг кўнгли тўлмаётгани кўриниб турибди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаган Озодбек Назарбеков шундай деди:

– Фарзандларимизни миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатига қизиқтиришни энг аввало оиладан бошлашимиз керак. Болага гўдақлик чоғиданоқ халқимизнинг сеvimли қўшиқларини эшиттириб, сингдиришимиз керак. Қолаверса, умумтаълим мактабларида,

мактабга таълим муассасалари га ҳам миллий қўшиқларимизни қўйиб, болажонларда кўникма ҳосил қилишимиз керак. Ўрта мактабларимизда камида 20 та мақом қўшиқларини мусиқа дарслари дастури га киритиш керак деб ўйлайман. Албатта ўзлаштириш осон бўлганларини... Қўлланма масаласини ҳам ҳал этишимиз зарур. Ахир бизнинг шу йўналиш бўйича мутахассисларимиз кам эмас-ку?! Уларни бу ишга тезроқ жалб этишимиз, келгуси ўқув йилигача қўлланма яратишга улгуришимиз керак. Зеро, бу масала давлатимиз раҳбарияти эътиборида турибди.

О.Назарбеков йиғилишга яқун ясар экан, ҳар бир санъаткордан ушбу масала юзасидан таклиф ва тавсияларини ёзма равишда билдиришларини илтимос қилди. Ушбу таклиф ва тавсиялар мазмунини қисқача шундай: миллий мусиқа ва санъатимизни ҳаётимизга чуқурроқ сингдириш учун, аввало, оилада, қолаверса, мактаб-боғчаларда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари га ўқувчиларини саралаб олишда директорлар билан биргаликда соҳанинг жонкуварлар – халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар, умуман, етух мутахассислар иштирокини таъминлаш, айниқса, мақом, бахшичилик йўналишида ўқишни истаган ёшлар учун қўшимча имтиёзлар яратиш, улар ҳақида телевидениеда кўрсатувлар тайёрлаш, ёшларнинг сеvimли хонандалари га мақом қўшиқлари ижросини ўргатиш ва мунтазам намоиш этиб бориш каби...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимизни ривожлантириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари га, халқимиз эртаси, келажакимиз эгаларини анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ниятлари га муносиб жавоб бериш нафақат санъат ва маданият аҳлининг, балки барчаннинг масъулиятли вазифаси эканлигини унутмаслигимиз зарур.

С.Рихсиева, “Маданият” газетаси муҳбири

» Навихол

Музей –
ёш авлод
нигоҳида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бешта ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда, хусусан, ёшларни санъат, маданият масканларига жалб этиш мақсадида 17 январь куни Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг табиат бўлими илмий ходими Х.Умбаров томонидан Термиз туманидаги 9-умумтаълим мактабида "Музей – ёш авлод нигоҳида" мавзусида тўғарак

дарси ташкил этилди. У болажонларга музей тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб, саволларига батафсил жавоб берди. Шунингдек, табиат бўлимида сақланаётган ноёб ҳайвонлар, қизил китобга киритилган қушлар, ўсимликлар ва музей фондида сақланаётган буюмлар ҳақидаги кўргазмали маърузаси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.



» Маданий мерос

“Ашратхона”

мақбарасини ким меҳмонхонага айлантирмоқчи?



Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний кўчаси, 6-манзилда жойлашган, XV асрда барпо этилган “Ашратхона” (Ишратхона) мақбараси Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлари Кенгашининг 1923 йил 27 мартдаги қарорига кўра, тарихий, меъморий-маданий мерос объекти сифатида Давлат муҳофазасига олинган.

Ушбу бино ҳозирда ҳам ўз кўриниши, безакларининг мукамал ва нафислиги билан кишини ҳайратга солади.

Бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ашратхона” (Ишратхона) мақбарасида таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш ёки меҳмонхоналарга мослаштириш бўйича хорижий давлат томонидан муносабатлар тушмаган.

Айрим оммавий ахборот воситаларида мазкур маданий мероснинг испанияликлар томонидан меҳмонхонага айлантириш масаласи кўрилатгани ҳақида ёзилмоқда.

Моддий-маданий мерос объектида таъмирлаш, тиклаш ёки меҳмонхоналарга мослаштириш ишларини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сонли қарорига мувофиқ, объект бўйича бирламчи лойиҳа таклифлари Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт Кенгашига тақдим этилиши зарур (Илмий-эксперт Кенгаши аъзолари илмий даражага эга олимлардан иборат).

Ўз навбатида Илмий-эксперт Кенгаш аъзолари объектнинг

лойиҳа таклифларини кўриб чиқиб, ўз хулосаларини беришади.

Маълумот учун:

1897 йилги зилзила оқибатида бинонинг гумбаз қисми ўта оғир авария ҳолатига келиб қолиши натижасида 1903 йилда мақбаранинг гумбаз ва барабан (гумбазни ушлаб турувчи тиргак) қисмлари қулаб тушган.

Бугунги кунгача сақланиб қолган мақбара пойдеворлари квадрат пишиқ ғишлар билан мураккаб қоришмада терилган. Пойдеворнинг шимолий-шарқий бурчагида сезиларли даражада пойдевор асоси чўкиши оқибатида 0,5-0,8 см ёриқлар юзга келган. Мақбаранинг сақланган қисмида хавфли конструктив ўзгаришлар сезилмайди. Ёдгорликнинг жанубий-ғарбий бурчагида 3-4 см катталиқда ёриқлар мавжуд бўлиб, кейинги 10 йиллар давомида ўзгармаган. Лойиҳа асосида бош кириш пештоқи равоқларида “Кессон” услубида мустаҳкамлаш ишлари 1998-2000 йилларда олиб борилган. Мақбаранинг ҳар тўртала томон деворининг юқори қисми, иккинчи қавати бузилиб кетган.

Бинонинг катта гумбаз қисми сақланмаган. Ушбу ёдгорлик бўйича лойиҳалаш институтла-

ри томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Деворлар орасида иккинчи қаватга чиқувчи зина қолдиқлари сақланган. Деворнинг ташқи тарафи ғиштли мозаика услубида безатилган. Сатҳида пардоз элементларининг асл нусхаси 30% сақланган.

Усти ёпиқ хоналардаги деворлар безаги, бадий нақшлар аслини тиклаш бўйича етарлиқ даражада элементлар мавжуд.

Том қисми эса вақтинчалик профили тунукалар билан қоплаб қўйилган. Ёгин-сочининг бино ичига ўтмаслиги таъминланган. 2010 йилда ёдгорликнинг шарқий тарз қисмидаги усти ёпиқ хужра ичидаги бадий нақшларни сақлаш ва реставрация-консервация ишлари олиб борилган.

Мақбара ўлчами 28 x 23 метр, умумий майдони 6750 м².

Мазкур маданий мерос объектида 1996 йилдан буён босқичма-босқич таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилда “Ашратхона” маданий мерос объекти таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун Давлат дастурига киритилган.

» Интеллектуал салоҳият



Бўлажак олима

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, ҳар бир педагогнинг йўл хариталари ишлаб чиқилиб, белгиланган вақт ичида илмий даража ва унвонларни олиш учун жадал ҳаракатлар қилинмоқда.



Интеллектуал салоҳият ва ижодий маҳорат юрт тараққиётига хизмат қилиши аниқ. Шундай ёшларимиздан бири Хуснида Мамажоновадир. У 2013 йилдан буён институтнинг “Муסיқий-назарий фанлар” кафедрасида фаолият юритиб келади. Шу билан бирга институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев илмий раҳбарлигида “Филология фанлари” ихтисослиги бўйича мустақил изланувчилик (PhD) таълимида тадқиқот ишини олиб бормоқда. Бўлажак олима “Ўзбек муסיқа терминологияси” мавзусида докторлик ишини ёзиш жараёнида “Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Илмлар кали” қомусий асаридида келтирилган муסיқий чолғулар, “Ўрта асрлар Шарқ муסיқашунослиги, муסיқа маданияти ўқитувчиларининг креативлиги шаклланишида “Ўстоз-шогирд” анъаналарининг ўрни”, “Ўрта аср Шарқ алломалари рисоаларида келтирилган чолғу атамалари” номли илмий-публицистик мақолаларини турли илмий журналларда ва конференциялар тўпламларида чоп эттирган. 2018 йил Италия давлатида бўлиб ўтган Халқаро фольклор фестивалида “Ўзбегим ёшлари” муסיқий ансамбли билан фаол иштирок этган.

Хуснида Мамажонова муסיқа илмига меҳр қўйган ёш педагоглардан, ҳозирда муסיқа назарияси, сольфеджио, гармония, ноталаштириш, ўзбек муסיқа тарихи каби фанлардан сабоқ бериб келади. Жамоат ишларида фаол, институт профессор-ўқитувчилар жамоасида ҳам ҳурматга сазовор педагоглардан саналади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати

» Такдимот

“Маманбий афсонаси”

20 январь куни Хива туман кўзи оғизлар кутубхонасида янги нашрдан чиққан Брайль алифбосидаги китоб – Тулапберган Қайпбергеновнинг “Маманбий афсонаси” асари тақдими бўлиб ўтди. Кутубхона мудираси Г.Эгамбердиева мазкур қорақалпоқ ёзувчисининг ушбу асари илк қорақалпоқ достони эканини таъкидлади. У “Маманбий афсонаси” да жафокаш қорақалпоқ халқининг қийин турмуш кечирган йиллари тасвирланганини, ўлкада ички ва ташқи урушларнинг тинимсиз бўлиб тургани ва бунинг натижасида эл азобда қолганини китобхонларга қисқача гапириб берди.

Замира Аитбоева, Кўзи оғизлар кутубхонаси ходими



Хисобот концерти

Зарб завқи



15 январь куни Кувасой шаҳар Маданият марказида ушбу маскан қошида фаолият олиб бораётган "Садо" миллий чолгулар халқ жамоасининг "Зарб завқи" номи хисобот концерти бўлиб ўтди.

бир қатор йўналишларини ривожлантириш ҳамда истеъдодларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, яхши натижаларга эришаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтди.

ган концерт дастури намойиш этилди. Дастлаб миллий чолгуларнинг тайёрланиши, уларнинг чалиниши, келиб чиқиши ҳамда устоз санъаткорлар тўғрисидаги видеоролик кўйиб берилди.

Табиат ва биз

Гўзал Тошкентимиз янада чирой очсин...



Бундан бир неча аср аввал ибн Сино бобомиз таъкидлаганидек, чанг ва ғубор бўлмаса инсон минг йил яшashi мумкин.

– Исмоил ака, Тошкент шаҳар махсустрас ИЧБ нинг бугунги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

– Тошкент шаҳар махсустрас корхонасида бугунги кунда 1350 дан ортиқ ишчи-хизматчилар фаолият олиб борапти.

– Одамлар орасида биз кўп гўшг еяпмиз, кўп сув ичяпмиз, деган гаплар тарқалди. Мутахассис сифатида сизнинг "Кўп чиқинди ташлаяпмизми?" деган саволинигизга қуйидагича жавоб бермоқчиман:



– Бугун Тошкент шаҳрида чиқинди ташлаш қутилари етарлими? – Чиқинди ташлаш қутилари масаласида шаҳарнинг 70%га хизмат кўрсатамиз.

– Сир эмаски, бугун барча соҳаларга инновациялар ғоялар кириб бормоқда. Айтишчи, бу соҳада ҳам янгиликларга қўл уриляптими?

– Ишларингизга ривож тилайман, халқ хизмати йўлида толманг деб қоламиз.

Каримжон Зарипов, "Маданият" газетаси мухбири

Давоми. Боши 1-саҳифада



Қалб кўзи очиқлар учун...

...Дарҳақиқат, тасаввур қилинг, тақдирга бу ёруғ олам гўзалликлари, қуёш нурларида товланаётган фаввораларнинг биллур томчилари, қўйингки, онаизорининг меҳртўла нигоҳларини кўриш бахти битилмаган инсон орзу-армонларига, дарду ҳасратларига малҳам бўлгувчи неъмат бормикин?!

Аммо улар бундай тотли туйғуларни сизу бизга насиб этган мутолаа завқидан ҳам ҳис этишлари мумкин. Бироқ ўзларини қизиқтирган адабиётларни топиб ўқиш имконияти бўлмаса, баъзан кўнгилларида кемтиклик туядилар.

Тўғри, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг умумий фонди 562 минг 168 та, фойдаланувчилар эса 80 минг 543 нафарни ташкил этади.

Монте-Кристо" номи фақат кўзи ожиз фойдаланувчиларга мўлжалланган интерактив – саргузашт ўйинлар жорий қилинди.



таъкидланган китобларни фақат эшитиш эмас, ўз қалби, вужуди билан ҳис этиб ўқиш имкониятига ҳам эга бўлишди... Тақдирга ташириб буюрган элимизнинг ардоқли санъаткорлари – Теша Мўминов, Гавҳар Зокирова, Гулчехра Иброҳимбекова, Саидкомил Умаров, Вазира Юнусова, Ўзбекистон халқ ҳофиси Исроилжон Ваҳобовлар ҳам ушбу китоблар тақдироти кўзи ожиз, лекин қалб кўзи очиқ инсонлар учун улкан воқеа, ташкилотчилар учун эса эътиборга муҳтожларга яхшилик қилишдек савоб ишга муяссар бўлишганини таъкидлашди.



Бугун тақдироти бўлган Брайль ёзувидаги мумтоз адабиётимиз намуналари бизни беҳад қувонтирди... Айниқса, сеvimли санъаткорларимизнинг дил сўзлари қалбларимизга эзгулик нуруни олиб киргандек бўлди... – Бугунги тадбирдан жуда ҳаяжонландим, – дейди Ўзбекистон халқ ҳофиси Исроилжон Ваҳобов. – Мен қалб кўзи очиқ инсонлар билан жуда кўп мулоқотда бўлганман. Уларнинг зукко ва теран фикрлари мени ҳаяжонга соларди. Хусусан, Ўзбекистон халқ ҳофиси, устоз санъаткор Оролмирзо Сафаровдан кўп сабоқ олганман. Мумтоз қўшиқларимизни қуйлаганда одамлар сел бўлиб тинглаганига гувоҳ бўлганман... Тақлифим, халқимизнинг бебаҳо мақом санъати тўғрисидаги китоблари ҳам Брайль ёзувида чоп этилса...

Карор ижроси

Янги жамғарма иш бошлади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғриси”даги 2019 йил 23 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий ме-

росини сақлаб қолиш, бахшичилик йўналиши бўйича ёшларнинг ижодий салоҳияти, уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, малакали бахшилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 22 январь куни Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Бахшилар мактаби биносида Респуб-


лика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ўз фаолиятини бошлади.

Садоқат Темирова,
Термиз шаҳар
Бахшилар мактаби
Ўқув-маърифий ишлар бўйича
директор ўринбосари

Тақдимот



“Фарҳод ва Ширин”



ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Ўзбекистон адабиёти ва санъатини жаҳон саҳнасига олиб чиқиш йўлидаги мустақил уриниш

17 январь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асосидан (насрий баёни) инглизча таржимаси ҳамда волонтерлик асосидаги “UzLAB” мустақил лойиҳасининг бир йиллик тақдимоги ўтказилди.

“Фарҳод ва Ширин” инглиз тилида биринчи бор дунё юзини кўрмоқда. Асар Туркияда чоп этилди. Уни шоир ва таржимон Аъзам Обид инглизчага ўғирган, Марк Рис ва Кейти Рут Дейвис тахрирдан чиқарган. Китобга олимлар Иброҳим Ҳаққул ва Эдуард Ртвеладзе мухтасар сўзбоши ёзган, Ниёзали Холматов ҳамда Шорасул Шоаҳмедов миниатюралар ишлаган. Нашрнинг юзга келишида Шаҳноза Каримбобоева, Майя Дзирквелишвили ва Софья Кинцурашвилининг алоҳида хизмати бор. Лойиҳага юртимизда тиббиёт ва инсонпарварлик соҳаларига мунтазам ўз ҳиссасини қўшиб келаётган “Wondernet Express Tashkent” компанияси ҳомийлик қилган. Ушбу китоб Миллий кутубхонага ҳам тақдим этилди.

Адабий-маданий тадбирнинг ик-

кинчи қисмида ўзига хос “Чет эллик Ёзувчи/Расом Ўзбекистонда резиденцияда” (“UzLAB”) халқаро адабий-маданий ва ижодий туризм лойиҳасига батафсил тўхталди. 2018 йил октябрь ойида очилган дастурдан кўзланган мақсад ўзбек ижодкорларининг чет эллик ҳамкасблари билан дўстона ижодий мулоқотини йўлга қўйиш, она тилимиздаги энг яхши бадиий асарларни чет эллик биродарлар ёрдамида таржима ва таҳрир қилиш, чет элда босилишини шакллантириш, ўзбек ижодкорларига хорижий тилларни ўргатиш, жаҳон адабиёти ва санъати уммонига жадал қўшилиш ҳамда улар воситасида Ўзбекистонга келаётган туристлар оқимини кучайтиришга қўмаклашишдан иборат.

“Бир йил ичида 15 мамлакатдан қарийб 40 нафар ижодкорни 10 кундан 15 кунгача муддатга олиб келдик. Тадбирларимизда марказ ва чекка қишлоқларда яшовчи юзлаб мактаб ўқувчилари, талабалар, ижодкорлар ва уларнинг оилалари иштирок этди. Энг муҳими, ушбу

мустақил резиденция дастурини қўллаб-қувватлаш ёрдамида суяниб амала оширмоқдамиз”, – деди лойиҳа муаллифи Аъзам Обид.

Дастур доирасида “Ижодкор ижодкорга” лойиҳаси ва “UzLAB English Club” суҳбат клубига асос солинди. Навбатдаги дастур шу йил апрель ойига мўлжалланган: унда 10 та мамлакатдан 25 – 30 нафар шоир, ёзувчи, расом иштирок этиши кутилмоқда. Асосий тадбирлар Фарғона водийсида, хусусан, Наманганда бўлиб ўтади. Меҳмон ижодкорлар Самарқанд ва Бухорога ҳам саёҳат қилади ҳамда ижодий кечаларда иштирок этади.

“Наманганни ЮНЕСКО адабиёт шаҳарлари рўйхатига қўшилишини истаймиз. У ерда кичик халқаро ижод маскани ва адабиёт музейи барпо этишни бошлаб юбордик. Адабиёт ва санъатни ривожлантириш учун давлат қўмагини қўшиб ўтириш керак эмас. Худди илгор мамлакатлардаги каби, маданият, санъат ва адабиётимизни моддий қўллаб-қувватлаган бизнес компаниялари ва хусусий тадбиркорларга тегишли қонуний имтиёзлар тақдим этилишига эришиш лозим”, – қўшимча қилди лойиҳа муаллифи.

Унга кўра, ижодкор-туристнинг оддий турист ё инфлюэнсердан фарқи шуки, у ўзбек халқи, маданияти ва санъати ҳақида бир-икки кун эмас, бир умр бошқаларга сўзлаб юради, таассуротларини бадиий асарларига киритади, шу тариқа ўзбек ва Ўзбекистон номини, бево-сита бизнинг ўрганса арзийдиган қадрият ва дунёга олиб чиқиш мумкин бўлган қирраларимизни йўл-ўлакай улашиб бораверади.

Мендирман – 2020 йил

“Ким юртига содиқ турса...”

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида “Мендирман – 2020” деб номланган челленж иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди...

Сўнгги йилларда халқимизнинг маънавий қиёфаси, миллий ғурури, шаън-шавкати, халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузини намойиш этаётган кўпгина адабий-бадиий, илмий-маърифий, мусиқий-маданий руҳдаги чиқишлар бот-бот кўзга ташланмоқда. Зеро, бунга сабаб ҳам, имкону шароит ҳам етарли. Ўзлик, имон-эътиқод бутунлиги, ижод эркинлиги шу интилишларга қанот бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Баски, ватан, эл-юрт муҳаббатига йўғрилган садоқат садолари ҳар нафасда янграб турган аёлларимизда ўз ифодасини топмоқда. Миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги Ботир Эргашев қаламига мансуб “Мендирман ўшал” кўшиғи Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросида халқимизнинг юрак-юрагидан жой олгани ҳам бежиз эмас. Таъбир жоиз бўлса, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган мухлисларнинг тилидаю дилида янграётган, томирларида қайноқ қон бўлиб оқаётган юксак ватанпарварлик туйғуларини жўштираётган ушбу кўшиққа жўр бўлаётган ёшлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари Озодбек Назарбеков (ҳозирги кунда Маданият вазири) томонидан қимматбаҳо сўзлик совгалари билан тақдирланишди. Маълум маънода Ватанига бўлган садоқати, халқига бўлган меҳру муҳаббатининг эътирофи бўлган ушбу бахтиёр онларга мушарраф бўлганлар билан танишинг:



“Мендирман – 2020” кўшиқ-челленжининг бош дирижёри Зоҳиджон Файзуллаев, ижрочи-солистлар Аҳрор Сатимжонов, Ўткир Алимов, Анваржон Тожиаҳмедовлар Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучлари маркази ашула ва рақс ансамбли хор жамоасида фаолият олиб боришадди. Акмалхўжа Холхўжаев эса Ўзбекистон давлат филармонияси “Навбахор” ансамбли солисти. Улар орасида ўзининг ширали овози, ёқимтойлиги, очик чеҳраси, одоб-ахлоқи билан меҳр қозонган 9 ёшли Мухаммадjon Нигматуллаев ҳам бор. У пойтахтимиздаги 37-мактабнинг 3-синфида, 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 2-синфида ўқийди. Унинг жарангдор овози, чиройли ижросидан завқланиб, устози ким эканлигини сўрадик. “Хайтмуҳаммад акам”, – деди у фар билан.

– Устози Хайтмуҳаммад Собиржонов бўлади, – дея суҳбатимизга қўшилди онаси Гулбахор Нигматуллаева. – Мухаммадjon ўғлимиз 3 ёшлигиданоқ кўшиқ айта бошлаган. Биз аслида ҳарбийлар оиласимиз. Отаси Исомиддин Нигматуллаев – майор, мен эса кичик сержантман. “Мендирман ўшал” бизнинг маънавий, руҳиятимизга жуда ҳам мос. Ахир, бу ҳақиқий ватан ҳимоячисининг кўшиғида! Уни қайси ўғлон юракдан қуйламайди дейсиз!

Дарҳақиқат, халқнинг оташин ҳимоячиси Жалолиддин Мангуберди ҳақида китоблар ёзган тарихшунос олим Бобоҳон Шариф таъкидлаганидек, бир кўшиқнинг яратилиши ҳаққоний воқеликнинг кенг қамровда бера оладиган тасвирий лавҳалар – клипнинг моҳирона олинишида ҳақиқий маданият ва санъатимиз фидойиларининг заҳматли меҳнатлари бор. Бир-бирини тўлдирган бу икки усунурнинг яратувчиларига ташаккур. Ахир, буни юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бежиз эътироф этмаган. Санъатсавар халқимиз бундай ҳаётбахш, мардонвор кўшиқларни ҳали кўп яратади, юракдан ижро этади.

С. Рихсиева



Танлов

Ватан посбонлари менинг нигоҳимда



Жорий йил Кува тумани ҳарбий мудофаа бўлим раҳбари ташаббуси билан 19- ҳафта 13- болалар мусика ва санъат мактабларининг тасвирий санъат синфи ўқувчилари ўртасида "Ватан посбонлари менинг нигоҳимда" мавзусида танлов ўтказилди. Унда туман ҳарбий комиссариати бўлим бошлиғи, подполковник О.Муродов ҳам иштирок этиб, ўқувчилар чизган расмларни синчиклаб

қўриб чиқди ва ютуғу камчиликларини айтиб ўтди. Танлов икки шарт бўйича ўтказилиб, ўқувчилар 20 дақиқа ичида ҳарбийларимиз салоҳиятини акс эттирувчи тасвирларни чизиб якунлашди.

Тадбирда 19-БМСМнинг "Тасвирий санъат" бўлими ўқитувчилари И.Сиддиқов, И.Бегимжонова ва 13-БМСМдан Г.Сотиволдиева бошчилигидаги ёш раҳбарлар иштирок этиш-

ди. Танловда мактабнинг турли синфларида таҳсил олаётган Лазиз Анваров, Хушнуд Анваржонова, Зебо Маъмуржонова, Меҳриддин Абдунабиевлар галиб деб топилди, ҳарбий мудофаа бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда мактов ёриқлар билан тақдирланишди.

А.Мадраҳимов,
19-БМСМ илмий бўлим мудир

Мозий тилга кирганда

Ноёб топилмалар

САРМИШСОЙ ҚОЯТОШИ

Навбахор туманининг беш минг гектар тоғ-адирли ерини Сармишсой дараси эгаллаган. Сойнинг икки томонидаги қоятошларда 10 мингдан ортиқ петроглифлар қадимги тош даврини ҳамда шунга мос равишда маданият тараққиётини ўзида акс эттиradi. Тошдаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани ўша даврда санъат ва маданият қай даражада ривож топганини кўрсатади. Қадимда бу даранинг одамлар билан гавжум бўлганини қоятошларга муҳрланган минглаб расмлардан билиш мумкин. Ҳар бир тасвир қошида унинг нақадар нафис ва ҳайратомуз ишланганидан лол қоласиз. Гажақвор шоҳи олқо, тоғ эчкилари, ёввойи буқалару тўнғизлар суратидан тортиб, камон ушлаган овчилар ва бу жаран тасвирини томоша қилар эканмиз, етти минг йил аввалги жўшқин ҳаёт кўз олдимизда гавдаланади.

Ушбу тош битиклардаги манзаралар ҳозиргача тадқиқотчи ва сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Олимларнинг айтишича, Сармишсой водийсида ҳаёт ўрта палеолит давридан бошланган. Бу археологик топилмаларда ҳам ўз аксини топган. Лекин бу ерда ҳаётнинг узлуксиз давом этиши неолит даври (мил.ав. VI-IV минг йилликларга)га бориб тақалади. У ҳақда Сармишсойдан топилган тўрт мингдан ортиқ петроглиф (қоятош суратлар)лар гувоҳлик беради.

ТОШЎРМОН ҚОЛДИҚЛАРИ

Навоий вилояти Қизилқум саҳроси юзлаб мўъжизавий ҳодиса ва жойлар мақони. Шулардан бири Учқудуқ тумани гарбида жойлашган Мингбулоқ ботиғидаги Жарақудуқ дарасидир. Мазкур ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерология илмий тадқиқот институти мутахассис-

лари ҳамда хорижлик олимлар ҳамкорлигида бир неча бор илмий изланишлар олиб борилди. Ўрганишлар натижасида Қизилқум саҳроси ўрнида бундан юз миллион йил аввал Тетиз денгизи бўлгани, шунингдек, денгизга хос сув ости дунёси, табиий бойликлари ва соҳили, ўрмони, тўқайзорлари, шу ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида кўплаб илмий асослар қўлга кириштирилди.

Булар динозаврлар, тимсоҳлар, балиқлар ва бошқа денгиз жониворлари, сувости маржонқоялари, денгиз соҳилидаги нина баргли дарахтзорлар, мевали дарахтлар, саксовулзорлар ва тўқайзорларнинг тошга айланиб, бугунги кунгача сақланиб қолган ноёб намуналаридир.

Ушбу қимматли топилмаларга асосланиб, юртимизнинг юз миллион йил муқаддам мавжуд бўлган табиати, тарихи тўғрисида тўлиқ билимга эга бўлиш мумкин. Табиат бойликларининг дунё олимлари турлича изоҳлашган. Шулардан бири Тетиз денгизи тубидан отилиб чиққан вулқон оқибатида табиатнинг бир қисми тошга айланган деса, бошқалари коинотдан ёт жисм (метеорит) Тетиз денгизига келиб тўқнашгани оқибатида порлаша сабаб ҳудуддаги табиатнинг бир қисми тошга айланиб қолган, деган фикрда.

Жарақудуқ ҳудудидаги юз миллион йил аввалги кейинчалик тошга айланиб, қотиб қолган тирик табиат тарихини ўрганиш, улар асосида ноёб мозий асосларига эга бўлиш, илмий ўрганиш ҳамда тарғибот қилиш мақсадида, "Тошўрмон"дан айрим намуналар вилоят музейига келтирилиб, алоҳида экспозицияга жойлаштирилган.



ОСТАДОН ҚОПҚОҒИ

Зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяғи сақланган идиш остодон деб номланган. Уларда марҳумни ерга дафн этиш ман этилган. Оловни, тупроқни, ҳаво ва сувни муқаддас билиб, барча жонотнинг боқувчиси тупроқ – тупроқнинг таркиби бузилмаслиги керак, деган ақидага риоя этилган. Инсон вафот этса, ерга кўмишга рухсат берилмаган. Остодон идиши лойдан ясалиб, маҳсус хумдонда пиширилган. Қопқоғи тутқичига марҳумнинг боши тасвири туширилган. Музейда таҳминан 2 ёшли бола суякларини солинган идиш қопқоғи сақланмоқда.

Ушбу нодир топилма вилоят музейидаги энг қадимий, тарихий, ноёб экспонатлардан бўлиб, IV-III асрларга тегишли.

ЯПАЛОҚ КЎЗА

Мазкур экспонат милоддан аввалги VI-V асрларга оид бўлиб, Кармана ҳудудидан топилган. Манбаларда "Буюк ипак йўли"нинг асосий тармоғи айнан Карманадан ўтгани қайд этилган. Шу боис бу ҳудуд атрофидаги аҳолининг аксар қисми савдотик билан машғул бўлган. Савдогарлар қадимда отда, туяда юриб савдо қилишган. Моллари ва юкларини жой-



лаштириш учун от ва туялар устига хуржун ташланган. Япалоқ кўза хуржунга солиб юриш қулай бўлиши учун шу шаклда ясалган. У сополдан тайёрланиб, сув, айрон, шароб ичимликлари учун мўлжалланган. Кўза ичидаги ичимликлар бир хил ҳароратда сақланган.

Бугунги кунда ушбу япалоқ кўза вилоят музейидаги энг ноёб ва нодир экспонатлардан бири бўлиб, Археология бўлимида жой олган.

2300 ЙИЛЛИК ХУМ

1999 – 2000 йилларда Самарқанд давлат археология илмий текшириш институти археолог М.Хўжаназаров раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар Кармана туманининг ёши аниқлаш мақсадида ҳудуддаги

"Буркуттепа" археологик тепалигида тадқиқот ишларини олиб боришдан. Аниқланишича, ҳозирги Кармана ёшидан гувоҳлик берувчи бирорта қадимий ёдгорлик сақланиб қолмаган. Фақат Буркуттепагина бу ҳудуд ёшини аниқлашга далил бўлиши мумкин, деб қайд этилган. У ерда қадимги Кармана шаҳрининг эски харобалари сақланиб қолган. Қазич чоғида мил.аввалги IV-III асрга оид археологик ашёлар топилган. Улар орасида милоддан олдинги I асрга оид бўйи 90 см, тубининг диаметри 30 см, қорин қисми 75 см.га тенг хум топилган.

Хум топилган вақтида бутун бўлган. Ковлаб олинган нам кўза қуриши учун офтобга қўйилганда, иссик таъсирида ёрилган. Қадимда бундай хумлардан хонадонларда бошоқли донларни сақлашда фойдаланилган. Хумдаги бугдоғи қанча вақт турса ҳам, асл ҳолатини йўқотмаган. Шунинг учун ҳам бошоқли донлар асосан хумларда сақланган.

Буркуттепадан топилган 2300 йиллик хум бугунги кунда вилоят музейининг қадимий ноёб экспонатларидан бири саналади.

Д.Мустафоёва, Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим бошлиғи



Янгилашган даври малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида туб ислохотлар ўтказишни талаб этмоқда. Сўнгги йилларда мактабга таълим, ўрта таълим, ихтисослашган ўрта махсус ҳамда олий таълим, қолаверса, ундан кейинги таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ишларда бунинг гувоҳи бўляпмиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги Фармони соҳада яқин йил-

жадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига ходимлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида кўрсатилган вазифалар институт кафедраларининг ташкилотлардаги филиалларини очиб заруриятини кўрсатмоқда.

Камолитдин Бехқод номидаги Миллий расмлик ва дизайн институти Музейшунослик кафедраси филиалининг Ўзбекистон давлат санъат музейида очилиши етук малакага эга музейшунос ходимларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим ва амалёт уйғунлиги

Музейда янги филиал очилди

ларда амалга оширилиши керак бўлган муҳим стратегик мақсад ва йўналишларни белгилаб берди.

Хусусан, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари нати-

Маълумот ўрнида шунини айтиш керакки, институтда 1997 йилдан музейшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилган. 2001 йилда Музейшунослик кафедраси ўз фаолиятини бошлади. 2018-2019 ўқув йилидан институтда Музей педагогикаси, Музей менежменти ва маданий туризм, Музей предметлари экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш каби янги таълим йўналишларининг бакалавр босқичи, Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш) сиртки таълим йўналишлари очилди. Ҳозир музейшуносликнинг бакалавр таълим йўналишида 191 нафар талаба таҳсил олмақда. Шунингдек, магистратура (тарихий маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш) бўйича ҳам тайёрланмоқда.

Юқоридегиларни эътиборга олиб, Музейшунослик кафедраси филиалининг Ўзбекистон дав-

лат санъат музейида очилиши ушбу йўналишга ходимлар тайёрлаш, назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, хусусан, музейнинг таъмирлаш (реставрация) лабораториясидаги жаранлар билан аниқдан танишиш, музей фонд захирасига оид ҳужжатлар билан ишлаш, экспозиция яратишни ўрганиш, шу билан бирга йўналиш ходимларини илмий фаолиятга йўналтириш, таълим тизимида соҳага кириб келаётган ислохотлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Zero, санъат асарларини музейлар фондига гўллаш, консервация ва реставрация қилиш, уларни томошабинга намойиш этиш масаласи музей ходимларидан назарий ва амалий кўникмаларни талаб этади.

Айтиш керакки, ушбу кафедра филиалининг очилиши бу соҳага етук, малакали ходимлар тайёрлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири саналади.

✎ Қарор ва ижро

“Кимўзар тўйларга барҳам берайлик”



Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги А.Навоий номидаги шаҳар маданият марказида маҳаллалар фаоллари, мутаассиди ташкилотлар вакиллари иштирокида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш масалалари юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидоги масалалар юзасидан Ангрэн шаҳар ҳокими Шукурулла Маҳмудов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар Кенгаши раиси Отбаев Аноров, «Ну-

роний» жамғармаси шаҳар Кенгаши раиси Бакир Расуловлар маъруза қилдилар. Улар ўз маърузаларида бугунги кунда кимўзарликка қилинаётган тўйлар, оилаларнинг арзиман сабаблар билан пароканда бўлиб кетётганлигини асосли далиллар билан ифода қилиб, ушбу муаммолар ечими бўйича қилиниши керак бўлган долзарб амаллар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб ўтишди. Йиғилиш сўнггида тадбир иштирокчиларига Ангрэн шаҳар маданият бўлими қошидаги «Меҳр» мусикали драма театри томонидан саҳналаштирилган «Ажралиш» номли спектакли намойиш этилиди. Спектаклда ажралиш арафасида турган оила, фарзандларнинг бу вазиятдаги ҳолати таъсирли воқеалар асосида кўрсатиб берилди. Театр актёрлари Турдали Пардаев, Махбуба Тўраева, Шоҳруҳ Ақбаралиев, Дияра Урмоновалар ижросидаги образлар ўз таъсирчанлиги билан томошабин эътиборини торта олди. Спектакль томошабинларда жуда яхши таассурот қолдирди. Шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ушбу спектаклни кенг жамоатчиликка намойиш этиш бўйича келишиб олинди.

✎ Жаҳолатга қарши маърифат

Ҳикматлар хазинаси

Сўнгги уч йил мобайнида мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизни асраб-авайлаш, тараққий эттириш, бутун дунёга намоеён этиш, нуфузини янада юксалтириш, айниқса ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, умуман, жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг самарали йўли сифатида халқимизнинг бебаҳо санъати бўлган бахшичилик ва дostonчиликни қайта тиклаш, оммалаштириш, илмий жиҳатдан тадқиқ ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. Жумладан, «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. 2019 йил 30 декабрда Вазирликнинг «Бахшилар, оқинлар ва жиров ижрочиларининг республика кўрик танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йилдан бошлаб икки йилда бир марта бахшилар, оқинлар ва жиров ижрочиларининг республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бориш чора-тадбирлари ишlab чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига асосан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳузуридаги «Тоштемирйўллойиха» МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда ишlab чиқилган лойиҳа асосида Термиз шаҳар Богашомаол маҳалласи, Фаровон массивида ажратилган 1 га ер майдонида Бахшичилик санъати маркази биноси қурилишини бошлаш, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шoir, Бекмурод Жўрабой ўғли, Исломо шoir Назар ўғли, Бола бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли каби бахшилар ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Устоз бахшилар» номли туркум китоблар чоп этиш ҳамда етакчи дostonчилик мактаблари тарихи, анъаналарини, вакиллари ҳақидаги маълумотларни жамловчи «Ўзбек бахшилари» номли изоҳли лугат яратиш, болалар мусиқа-

ва санъат мактаблари ҳамда ихтисослашган маданият ва санъат мактаблари ўқувчи ва талабалари учун бахшичилик санъати тарихига доир «Ўзбекистонда бахшичилик санъати», «Бахшичилик ҳудудий мактаблари тарихи», «Тарихий, қаҳрамонлик, ботириқ дostonлари», «Хоразм дostonчилик санъати мактаби», «Қорақалпоқ бахши-жиров мактаби» каби ўқув кўланмалари, тавсияномалар ва дарслиқлар тайёрлаш, жорий йил март ойида Термиз шаҳар бахшилар мактабида бахшичилик ва дostonчилик санъати йўналишида илмий излашлар олиб бораётган олимлар, тадқиқотчилар ва бахшилар иштирокида «Бахшичилик ва дostonчилик санъати: муҳофаза, тадқиқот ва тарғибот масалалари» мавзисида республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жорий йил ҳар чорағида ҳудудларда мавжуд бўлган Булунгур, Нурота, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод бахшичилик, Хоразм дostonчилиги, Қорақалпоқ бахши-жиров мактаблари ва уларнинг фаолияти ҳамда намояндалари ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир илмий экспедициялар уюштириш, Қорақалпоғистон Республикасида бахшичиликка ихтисослашган бахши-жировлар, Хоразм вилоятида дostonчиликка ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар ташкил этиш, Бахшичилик санъати билан боғлиқ миллий мусиқа чолғуларини ишlab чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бахшиларнинг ижро услубларидан келиб чиқиб махсус устаконалар, жорий йил биринчи чорағида Ўзбекистон Республикаси Ва-



зирилар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 798-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ва

вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларининг намунавий штат жадраларини қайта қўриб чиқиб, умумий штатлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бахшичилик санъати давлат ансамбллари ҳамда бошқа вилоятларда вилоят ансамбллари ташкил этиш, Бахши ва дostonчилик соҳасидаги ўқитувчи кадрлар етишмаслиги боис, мавжуд 312 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ўртасида танлов (кастинг) ўтказиб, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш учун бахши ва дostonчилик санъатининг илмий ва назарий манбалари билан кенгроқ таништириш мақсадида ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти билан ҳамкорликда ойлик стажировкалар ўтказиб боришни йўлга қўйиш каби муҳим масалалар истиқболда амалга ошириладиган асосий ишларимиз ҳисобланади.

Азамат Хайдаров,
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори, профессор

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ



2020 йил 27 февраль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидоги очик аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, И.Каримов кўчаси, 16 «А» уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA» ДУК балансидоги 1997й. и/ч, д/р 01/294ТВА, бошланғич нархи 25 668 708 сўм бўлган «НЕКСИЯ»; 1996й. и/ч, д/р 01/239ТВА, бошланғич нархи 22 066 136 сўм бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридоги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2951 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари оқлатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқоридоги кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темура шoҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; тeлeфaкc: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

✎ Эълон

Ўзбекистон давлат консерваторияси қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:



- Кафедра мудири – «Композиторлик ва чолғулаштириш» кафедраси, «Умумий фортепиано» кафедраси (доцент)
- «Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси» кафедраси – (фан номзоди) доцент
- «Мусиқа тарихи ва танқиди» кафедраси – доцент
- «Композиторлик ва чолғулаштириш» кафедраси – доцент
- «Эстрада чолғу ижрочилиги» кафедраси – катта ўқитувчи

- «Академик хор дирижёрлиги» кафедраси – катта ўқитувчи
- «Умумий фортепиано» кафедраси – катта ўқитувчи
- Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим
 - ректор номига ариза;
 - ходимлар шахсий варақаси;
 - олий маълумотли, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
 - ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати

- мутахассислик бўйича охириги ўқув йилида малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.
Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.
Манзил: 100027, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.
Телефон: (71) 244-94-51

Таъзиянома

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аида Юнусова 72 ёшида вафот этди. Шу муносабат билан оила-аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изхор этамиз.



Маданий ҳамкорлик

Афғонистон делегацияси Тошкент ва Термизда бўлди



14 – 21 январь кунлари Афғонистон Республикаси Қобул шаҳар ҳокимининг ижтимоий-маданий масалалар бўйича ўринбосари Муҳаммад Фозил Шарафий бошчилигидаги делегация аъзолари расмий ташриф билан юртимизга келиб, Тошкент ва Термиз шаҳарларида бўлишди. Бунда ижтимоий-маданий ва иқтисодий соҳаларда, айниқса, икки мамлакат ҳайвонот боғлари ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилиб, Тошкент ва

Термиз шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш юзасидан келишиб олинди.

Меҳмонлар 15 ва 17 январь кунлари Тошкент ҳайвонот боғида бўлиб, икки давлат ҳайвонот боғлари ўртасида ҳайвонлар айирбошлаш, ҳодимлар малакасини ошириш ва бошқа масалалар бўйича суҳбатлашди.

Ташрифнинг учинчи кунни меҳмонлар Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Раҳмонов

қабулига таклиф этилди. Учрашувда ижтимоий-иқтисодий ва маданий масалалар, Тошкент шаҳридаги бозорларда яратилган шарт-шароитлар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Бундан ташқари, дастур асосида делегация аъзолари Тошкент шаҳридаги “Ҳасти Имом”, “Сузуқ ота” мажмуалари, Ўзбекистон давлат амалий санъат ва ҳунармандчилик музейи каби диққатга сазовор жойлар билан ҳам танилишди.

Хушxabар!!!

Ўзбек достончилик мактаби



Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган йиғилишида бахшичилик санъати ҳақида билдирган фикрлари соҳа ҳодимларини руҳлантириб юборди. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат филармонияси Сурхондарё вилояти бўлими қошида “Дўмбира наволари” бахшичилик ансамбли очилди.

Санжар Исоков,
Сурхондарё вилояти филармонияси директори

Устоз-шоғирд анъанаси

Ўзбек достончилик мактаби



Миллий маънавият инсон дунёқарашини кенгайтиради. Айниқса, илм нурилари билан сугорилган салоҳият тараққиётга хизмат қилади. 21 январь кунини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказининг “Бахшичилик санъати” йўналиши тингловчилари учун филология фанлари доктори, академик Тўра Мирзаев билан “Ўзбек достончилик мактабларида” “Устоз-шоғирдлик” анъаналари” мавзусида илмий-ижодий давра суҳбати бўлиб ўтди. Институтининг “Фольклор ва этнография” кафедраси мудири, доцент Ойгул Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Абдуллаев бошчилигида тингловчилар ўзларига керакли маълумотларни олишди.

Бу ҳақиқатан долзарб аҳамиятга эга мавзу бўлиб, бугунги кунда унга доир кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Илмий ва ижодий изланишлар инновацион лойиҳаларни талаб этади. Академик Тўра Мирзаев ўз маърузаларида янгидан янги таклифларни ўртага ташлади. Келгусида муҳим ташлаб-бус ва самарали тадқиқотлар улкан ташлаб-бусларни кутмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Матбуот хизмати

Кўзгу

Тўйлар – оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокамага сабаб бўлган мавзулардан бири. Ҳозирги ўзбек тўйларида исрофгарчилик, дабдабозликка ружу қўйилгани-ю, фарбона келин либосининг танқид остига олинаётганини кўп ўқиямиз. Ортиқча харажатлар, ярашқисиз қилиқлар, фарбона тақлид, оммавий маданият маҳсуллари чиндан ҳам бугунги кун тўйларига анча сингит кетган. Ростки, бу масаланинг сийқаси ҳам чиқиб кетди. Аммо шунча гапирилган сари янги дабдабали урфлар пайдо бўляпти.

Нотўғри ибрат муаммони чуқурлаштиради

Тўй – миллат урф-одатлари яққол намоён бўлувчи ижтимоий ҳодиса. Урф-одат деганда кўз олдимизда қадим тарих, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган, юксак маъно ва мақсадга эга ўлмас анъаналар гавдаланади. Аммо ҳозирги никоҳ тўйи маросимини ўтказиш билан боғлиқ бир қанча одатлар борки, улар ажодлардан мерос қилинмаган, балки енгил-елли қарашлар билан ўйлаб топилган ва кўр-кўрона бошқалар томонидан ўзлаштирилаётган мақсадсиз юмушдан ўзга нарса эмас.

Ўтган йили Олий Мажлис палаталари Кенгашиларининг қўшма қарори билан “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Қачонки, тўй ҳақида ОАВ орқали чиқиш қилиниб, унга санъаткорларнинг фикри илова этилса, унда бир-биридан ақдли мулоҳазаларнинг гувоҳи бўласиз. Шоу-бизнес вакиллари “Исрофгарчиликка, дабдабозликка биз ҳам қаршимиз, тўйларни ихчамлаштириш керак” қабилида фикр берадилар. Аммо ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг ҳаётини кузатсангиз, тил ва дилнинг кескин фарқлинишига гувоҳ бўласиз.

Машҳурлар туғилган кунидан тортиб яқин қариндошларининг тўйигача фото ва видео материаллар тарқатишдан чарчашмайди. Уларнинг саҳифаларига жойлаштирилган “факт”лар дарров оммага тарқалади. Санъаткорлар эл назарига тушган инсонлар сифатида азалдан ёшлар учун ибрат бўлиб келган. Халқ уларни иде-

аллаштиради ва тақлид қилади.

Афсуски, ҳаётларидаги дабдабани кўз-кўз этаётган санъаткорлар бу мақомларини унутганлар чоғи! Ёки буни ҳис этганлари ҳолда атайин таркатадиларми? Шу йўл билан ибрат кўрсатишни хоҳлайдиларми?

Майли, ҳамма чўнтагига қараб кун кечиради. “Топган гул, топмаган бир боғ пийёз”, деганларидек, молиявий имконияти кенг инсоннинг оруз-ҳавасли тўй қилиши ёмон эмасдир. Аммо буни оммага – камхаржу пийёдага улашишдан муддао не? Нега шоу-бизнес вакиллари қизининг унаштириш маросимидан тортиб, ўғлининг суннат тўйигача ярим шаҳарни йиғиш билан чекланмай буни халқ олдида “реклама” қилишаётир? Бундай “калтал-бинлик” туфайли уларга ихлос қўйган мухлислар кўрпага қараб оёқ узатишни унутиб, шуларга ўхшайман деб чиранишларини кўз олдиларига келтирмаяптиларми?

Яқинда шундай видеолардан бири тарқалди. Унда “Шаҳзод” гуруҳи солисти Рашид Холиқовнинг келини туғуруқхонадан чиқиши акс этган. Аёлнинг кўзи ёриши истиҳола билан айтиладиган, гоҳ хижолат, гоҳ назар тегишидан кўриб, қоғозга ўраладиган мавзу бўлса-ю, буёқда туғуруқхонадан чиқиши овоза қилинмоқда. Яна ким томонидан, денг? Қайнота! Бу ўзбек менталитетига қай даражада тўғри келади, азизлар?

Музейлар фаолиятдан

Аждодлар мероси ардоқда

Хива “Ичан-Қалъа” Давлат музей-қўриқхонасидаги Ўрта Осиёда биринчи фотосуратчи ва киноматрограф сифатида машҳур инсон – Худойберган Девонов ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи кўрғазма ҳамиша сайёҳлар билан гавжум. Бу ердаги нодир экспонатлар вилоятнинг шаҳар ва туманлари бўйлаб сайёр тарзда ҳам намойиш этиб турилади.

Навбатдаги кўчма кўрғазма Огаҳий уй-музейида ташкил этилди. Унда Огаҳий номли ижод мактаби, шаҳардаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳамда сайёҳлар қатнашди. Кўрғазмадан жой олган XIX аср охири, XX аср бошларида Хива ҳонлигидаги ижтимоий-иқтисодий воқеалар, тарихий шахслар, қабул, бунёдкорлик ишлари, турли байрамларни акс эттирувчи суратлар, шунингдек, Худойберган Девонов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Музей-қўриқхона илмий ҳодимлари З.Абдуллаева, М.Машариповларнинг маърузалари эса тингловчилар учун қимматли ва эсда қоларли маълумотлар бўлди.

Отбек Исмоилов, Музей-қўриқхона катта илмий ходими



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган кўлэмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Солиқова
Адади - 8386 Бухорتما - Г - 127
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 23.00
Топширилди - 23.00
1 2 3 4 5